



## ЁШЛАР ТОМОНИДАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ НОҚОНУНИЙ ЎТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРИ!

**Файзуллаев Дилшод Одилбекович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Тезкорқидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор  
E-mail: fayzullayevdilshod9090@gmail.com  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10602874>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> January 2024  
Accepted: 30<sup>th</sup> January 2024  
Online: 31<sup>th</sup> January 2024

### KEY WORDS

Ахборот, ахборот  
технологиялари, гиёхванд,  
гиёхвандлик воситалари,  
психотроп моддалари,  
гиёхвандлик воситалари ва  
психотроп  
моддаларини истеъмол  
қилиш, жавобгарлик, жазо,  
жиноятчиликка қарши  
курашда амалга оширилиб  
келинаётган маъмурий-  
ҳуқуқий, жиноий ислоҳотлар,  
Конституциявий асослари,  
қонун устуворлиги, инсон  
қадри, инсон манфаатлари,  
фуқароларнинг ҳуқуқва  
эркинликларини таъминлаш,  
ахборот хавфсизлигини  
таъминлаш, ижтимоий-  
сиёсий ҳуқуқлар, эркинлик,  
озодлик, озодликдан маҳрум  
қилиш, қонун ҳужжатлари,  
давлат, жамият.

### КИРИШ

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев бошчиликларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган тезкор чора-тадбирлар ўз самарасини бериб келмоқда. Лекин шунга

### ABSTRACT

Мақолада Ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиб гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ўтказиш жиноятларини тушунчаси, уларнинг таркиблари таҳлил қилинган, мазкур жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилган.



қарамасдан бугунги кунда жиноятчилик турларининг кенг миқёсда ортиб кетиши натижасида айниқса, ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний ўтказиш билан боғлиқ жиноятларнинг ортиб кетиши бўйича ушбу турдаги жиноятларни аниқлаш ва фош этиш юзасидан ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг олдига бир қанча вазифаларни қўяди.

Шу сабабли ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний ўтказиш билан боғлиқ жиноятларнинг сонини кўпайиб бораётганлиги ташвишланарли вазиятни юзага келтирмоқда. Айниқса, бугунги шиддатли даврда ахборот коммуникация технологиялари ривожланиб бораётганлиги, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан ҳамда электрон тўлов тизимларидан фойдаланувчилар сони кўпайиб бораётганлиги ўз навбатида ушбу соҳаларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг сони ошиб кетишлигига олиб келмоқда.

Жумладан бугунги кунда дунё бўйича ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ҳамда синтетик гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний тарқалишишунингдек айрим прекурсорларнинг ноқонуний муомалада бўлиб келаётганлиги ачинарли аҳволни юзага келтирмоқда<sup>1</sup>.

Бугунги кунда дунё давлатлари бўйича гиёҳвандликнинг тез ўсиб кетиши сабабли, уларнинг кўпчилиги тақиқланди, бир қанча турдаги гиёҳвандлик моддалари тақиқланиши натижасида инсонлар орасида, жумладан ёшлар ўртасида гиёҳвандлик моддаларининг замонавий кўринишларидан бўлмиш, психотроп моддалар ва синтетик гиёҳвандлик воситаларининг оммаланиб кетганлиги туфайли синтетикага бўлган талаб ортди<sup>2</sup>.

**Долзарблиги:** глобаллашув ва турли таҳдид ва можароларнинг кучайиши даврида табиий ва техноген офатлар, жумладан жиноятчиликнинг ошиб кетиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутди. Хусусан, ички ишлар органларитезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилишга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Мамлакатимизда охириги ўн йилликда жиноий-ҳуқуқий ислохотлар, жумладан ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди ва улар давом эттирилиб келинмоқда.

**Муаммонинг баёни:** ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар натижада, Ички ишлар вазирлиги ва ички ишлар органларининг ташкилий тузилмаси ислоҳ қилинди. Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг барвақт ва дастлабки олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари айланишини олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги вазифаларни мазмун-моҳияти қайта

<sup>1</sup> Ашуров, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 25(2), 49-53.

<sup>2</sup> Ашуров, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.



кўриб чиқилди ҳамда мамлакатимиздаги ёхвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ ҳолдаги жиноятларга қарши курашишнинг мутлақо янги механизмлари яратилмоқда.

Ушбу мақолада биз янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг тинч-осойишта ҳаёти ва уларнинг хавфсизлиги кафолатлари тўғрисидаги нормалари талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар масаласини кўриб чиқамиз ва улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган айрим ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиламиз.

**Тадқиқот мақсади:** ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти, ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усуллари:** ички ишлар органлари фаолиятидаги жиноий-ҳуқуқий ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Хозирги кунда дунёнинг гегемон давлатларидан бўлмиш, Россия Федерацияси ва Хитой давлатларида ноқонуний гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларини ишлаб чиқарувчилари (нарколаборатория) кўпая бошлаганлиги сабабли улар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ўтказиш жиноятлари сони кескин ошиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда дунё бўйича гиёхванд моддаларининг энг йирик экспортчиси Афғонистон ҳам бозор улушининг ноанъанавий дори воситаларидан синтетик дори воситаларига ўтиши туфайли, синтетик дори воситалари ишлаб чиқарувчисига айланиши ҳам нақадар аянчли аҳволга олиб келаётганлигини кўришимиз мумкин.

Юртимизда гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг савдосини олиб боровчи қора бозорга ушбу гиёхвандлик воситалари ҳамда синтетик гиёхванд моддалари асосан, ноқонуний равишда ва айланма йўллари орқали Европа давлатларидан, асосан, Россия Федерациясидан кириб келаётганлиги, тезкор тадбирлар жараёнида қўлга олинган жиноятчилар томонидан айтиб келинмоқда<sup>3</sup>.

Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтишимиз лозимки, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддари ва синтетик гиёхвандлик воситаси одатда тўғридан-тўғри юртимизга келмай, Европадан Россия Федерациясига ва у ердан Марказий Осиё ва МДХ давлатларига тақсимланади.

<sup>3</sup>Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 5(4), 240-247.



Бироқ, сўнги вақтларда Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда психотроп моддалари ва синтетик гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган нарколабораториялар аниқланмоқда.

Бугунги кунда психотроп моддалар ва синтетик гиёҳвандлик моддаларни Тошкент шаҳрида кенг тарқалишига сабаб қилиб, анъанавий дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг иложи йўқлигидан келиб чиққанлигини кўришимиз мумкин. Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан олиб борилаётган статистика билан танишадиган бўлсак, Тошкент шаҳридан бошқа ҳудудларда психотроп моддалари ва синтетик дориларга талаб камлигини кўришимиз мумкин.

Хозирда ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари ҳамда синтетик гиёҳвандлик моддалари деярли барча ҳолатларда “закладка”лар орқали онлайн сотилаётганлигини кўришимиз мумкин. Энди юқорида кўрсатиб ўтилган жумламиздаги “Закладка” сўзининг таърифига келадиган бўлсак, келгусида контакtsiz сотиш мақсадида беркитилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларини тушунишимиз мумкин<sup>4</sup>.

Ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари ҳамда синтетик гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний ўтказиш билан боғлиқ жиноятларни содир этаётган шахслар асосан закладчиклардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятларини амалга ошириб келмоқда.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларини миждозларга етказиш билан бевосита шуғулланувчи шахслар яъни, халқ тилида айтадиган бўлсак, закладчиклар қўлга тушиб қолмаслик, ўзларининг шахсларини сир сақлаш ҳамда ишончли ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида, закладкаларни асосан қуйидаги жойларга жойлаштириб кетаётганликларини гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Жумладан улар,

- Аҳоли етарли даражада гавжум, бироқ, эътибор тортмайдиган жойлар, манзиллар;

- Мўлжал объект олдидадиги жойлар (*масалан, боғдаги ягона скамейка ёки якка ҳолдаги кўчмас жисмлар ва буюмлар ёни ҳамда уларга яқин жойларга каби*);

- Дарахтлар ёки буталар остида;

- Ички қувурлар ёки аҳоли фойдаланмайдиган бошқа нарсаларга жойлаштириб кетишаётганликлари натижасида ҳуқуқ-тартибот органлари жумладан ички ишлар органларининг тезкор қидирув хизматлари ходимлари томонидан уларга қарши самарали ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинликлар юзага келмоқда<sup>5</sup>.

Мамлакатимизда умумхалқ референдуми орқали 2023 йил 30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётганлиги, жумладан Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодексларига муҳим ўзгартишлар киритиш таклифлари

<sup>4</sup>Ашуров, О., & Назирхўжаев, О. (2023). Ички ишлар органлари томонидан қасдан одам ўлдириш жиноятларини фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш самарадорлигини оширишнинг ижобий омиллари. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 2(1 Part 2), 205-209.

<sup>5</sup>Машарипов, Т. Э. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш.



берилаётганлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, жазо тайинлашда адолат принципини таъминлашга, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга кўмаклашади<sup>6</sup>. Бу ҳақда сўз борганда, мустақиллик йилларида юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришга ҳамда аҳоли орасида турли салбий иллатларни авж олиб кетишлигини олдини олиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда, барча давлатларда бўлгани каби, юртимизда ҳам ахборот технологиялари орқали содр этилаётган жиноятларнинг янги турларидан бири бўлмиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ҳамда синтетик гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш долзарб аҳамият касб этиб келаётганлиги, жумладан, бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ҳамда синтетик гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони нисбатан кўп тарқалганлигини кўришимиз мумкин<sup>7</sup>. Шу сабабли, дунёда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ҳамда синтетик гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, мазкур турдаги жиноятларни тезкор-қидирув фаолиятида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзаро самарали ҳамкорликдаги фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз томонидан қабул қилинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг етти та устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида “ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш, қўшимча куч ва воситаларни жалб қилиш ҳамда ушбу жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш” каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ҳамда синтетик гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш долзарб масалалардан бири эканлиги айтиб ўтилган эди<sup>8</sup>.

<sup>6</sup>Ашуров, О., &Искандаров, Н. (2024). Жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ва ҳудудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 2(1 Part 2), 217-221.

<sup>7</sup>Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.

<sup>8</sup>Асракулов, М. М., &Машарипов, Т. Э. (2022). Ёшлар-келажакбунёдкори. *Journal of new century innovations*, 18(5), 293-300.



Бош қомусимиз бўлмиш, Конституциямизда инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат ва эъзозга лойиқлиги, инсон қадриятларини топташга уринган ҳар қандай шахс қонун олдида жавобгарликка тортилишлиги муқаррарлиги кўрсатиб ўтилгандир. Шу сабабли ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалари ҳамда синтетик гиёхвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва фoш этиш бўйича тезкор-қидирув фаолияти йўналишига оид таклифлар ҳамда тавсиялар берилган бўлиб, шу каби жиноятларни тезкор-қидирув тадбирларини қўллаган ҳолда аниқлаш ва фoш этиш тартиблари қисқача кўрсатиб ўтилган<sup>9</sup>.

## ХУЛОСА

Хозирги кунда ёшлар орасида гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг турлари кўпайиб бораётганлиги, бундай жиноятлар домига асосан ҳаёт тажрибаси бўлмаган содда бўлган ёшларимиз тушиб қолаётганлиги ачинарли ҳолат эканлиги, шунинг учун уларга қарши курашиш, бу ажал оғусини давлатимизга кириб келишини ва тарқалишини олдини олиш учун ички ишлар органларининг тезкор хизмат ходимлари ишларини самарали ташкил қилиш, оғуфурушларга қарши курашиш ишларни тўғри йўлга қўйиш, жиноятларни аниқлашда тезкор-қидирув тадбирларини тўғри қўллай билиши ҳамда турли соҳавий хизматлари, давлат бошхона қўмитаси, давлат хавфсизлик хизматлари билан ҳамкорликдаги ишларни тўғри ташкиллаштириш ва бошқа тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг тезкор ходимлари билан ҳамкорликни самарали йўлга қўйилиши, ўзининг ижобий самарасини беради деб ўйлаймиз.

Шу сабабли ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалари ҳамда синтетик гиёхвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади: Жиноят кодексига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалари ва синтетик гиёхвандлик моддаларини ноқонуний ўтказиш билан боғлиқ жиноят учун жавобгарликни белгилаш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалари ва синтетик гиёхвандлик моддаларини рекламасини у ёки бу тарзда амалга оширган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича алоҳида банд сифатида киритиш каби бир қатор таклифларни киритамиз.

## References:

1. Ашуров, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 25(2), 49-53.

<sup>9</sup>Машарипов, Т. Э. (2024). Текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва аҳамияти. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 70-76.



2. Ашуров, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.
3. Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 5(4), 240-247.
4. Ашуров, О., & Назирхўжаев, О. (2023). Ички ишлар органлари томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш самарадорлигини оширишнинг ижобий омиллари. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 2(1 Part 2), 205-209.
5. Машарипов, Т. Э. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш.
6. Ашуров, О., & Искандаров, Н. (2024). Жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ва худудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 2(1 Part 2), 217-221.
7. Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.
8. Асрақулов, М. М., & Машарипов, Т. Э. (2022). Ёшлар-келажак бунёдкори. *Journal of new century innovations*, 18(5), 293-300.
9. Машарипов, Т. Э. (2024). Текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва аҳамияти. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 70-76.